

**АРХЕОЛОГИЯ, ҚАДИМГИ ДУНЁ  
ТАРИХИ ВА ЭТНОГРАФИЯ  
МАСАЛАЛАРИ**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ  
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

*Беназир инсон, меҳрибон мураббий –  
доцент Очил Ибрагимов таваллудининг  
60 йиллигига бағишланади.*



**АРХЕОЛОГИЯ, ҚАДИМГИ ДУНЁ ТАРИХИ ВА  
ЭТНОГРАФИЯ МАСАЛАЛАРИ**

*(илмий мақолалар тўплами)*

Самарқанд - 2003

3. Н.Х.Ташкенбоев, Р.Х.Сулейманов.- Культура древнекаменного века долины Зарафшана. «Фан». Т. 1980. 59 б.
4. А.Аскаров. - Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. Изд-во «Фан». Т. 1977.
5. История Самарканда. «Фан». 196-197 б.

**А.Ёрқулов**

## **ЖАНУБИЙ СЎҒД ИЛК ЎРТА АСРЛАР ДАВРИНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИДАН**

Ҳаётда шундай инсонлар буладикки, улар узларидан кейин ўчмас из қолдиришади. Бундай кишилар ўз ҳаёт йўли, фаолияти ва ижоди билан бошқаларга ўрнак бўла оладилар. Ана шундай ажойиб инсон, олим ва бизнинг меҳрибон устозларимиздан бири О.И. Ибрагимов эдилар. Мен О.И.Ибрагимовни талабатлик йилларимдан билар эдим. У киши бизга нафақат таълим берганлар, балки бизнинг гуруҳ раҳбаримиз ҳам бўлганлар. Демакки, бизнинг тарих факультетига ўқиб, уни битириб чиқишимизда, ҳаётда ўз йўлимизни топиб олишимизда домланинг ҳиссаси беқиёс деб ўйлайман.

Ушбу мақоламини устозимиз О.И.Ибрагимовнинг ёрқин хотирасига бағишлайман. Устозимизнинг руҳлари ҳамиша шод бўлсин.

Ватанимиз тарихини урганишда қадимги сўғд алоҳида аҳамиятга эга. Шунинг учун бу ҳудуд тарихини ўрганиш ҳамиша тарихчилар диққат марказида бўлиб келган.

Қадимги сўғднинг бир қисми бўлган Қашқадарё волийсини уз ичига олган Жанубий Сўғд ҳам тарихчи археологлар томонидан яхши ўрганилган ҳудуд ҳисобланади. Айниқса, унчқ қадимги ва ўрта асрлар тарихи яхши ўрганилган. Шундай бўлса-да, Жанубий Сўғд тарихида ўрганилмаган муаммолар анчагина. Жумладан, тарихнинг ўрганилмаган қирраларидан бири бу ўрта асрлардаги Жанубий Сўғднинг маданияти ва културчилигига доир масалалар ҳисобланади (М.Х.Исомидинов, М.Х.Ҳасанов 180-бет).

Жанубий Сўғд ҳисобланган Қашқадарё водийси табиий жиҳатдан энг қадимги даврлардан бошлаб икки қисмга бўлинган. Шарқий Қашқадарёнинг юқори оқими ва ғарбий Қашқадарёнинг қуйи оқими. Аҳамонийлар даврида бу ерда иккита тарихий маданий вилоятлар: Навтака ва Ксениппа

булганлиги ҳақида А.Македонский замонидаги антик манбалар хабар беради. Жанубий Сўғднинг манбаларда бундай иккита тарихий вилоятга бўлиниши узок ўтмишдан XX аср бошларига қадар давом этган. Эрамизнинг I асрида бу икки вилоятнинг этник жараёнлари мураккаб кеча бошлайди. Шу пайтдан бошлаб шимолдан кучманчи қабилаларнинг оммавий кучиб келиб жойлашиши кузатилади. Бу қабилалар биринчи навбатда Қашқадарёнинг урта ва қуйи оқимларига жойлашади.

Бундан ташқари, бу икки вилоятнинг ғарбда кўпроқ Бухоро билан, шарқда Самарқанд билан анъанавий алоқаларини куришимиз мумкин. Илк ва ривожланган урта асрлар даврида бу вилоятлар Кеш ва Нахшоб деб юритилган. Уларнинг чегараси тахминан Ғузор туманининг қуйи қисмидан ўтган. (Ш.С.Комолиддинов, 12-бет).

Кеш урта асрларда Қашқадарёнинг юқори оқими ва ирмоқлари. Қашқадарё водийсининг тоғли ҳудудларида жойлашган. Кеш вилояти ҳозирги Ғузор, Деҳқонобод, Камаш, Китоб, Чирокчи, Шаҳрисабз ва Яккабоғ туманлари ҳудудини ўз ичига олган.

Бу ҳудуддаги археологик изланишлар Кеш археологик-топографик экспедицияси билан Тошкент давлат университети ҳамкорлигида (М.Е.Массон раҳбарлигида) олиб борилган. С.Б.Лунинанинг махсус илмий иши VIII-XII асрлардаги Жанубий Сўғд тарихий географиясига бағишланган. Қашқадарё водийси шарқий қисмидаги археологик изланишларни С.К.Кабанов, В.Д.Жуков, Г.Я.Дресвянская, З.И.Усмонова, А.С.Сағдуллаев, Н.Н.Крашенинкова, Н.П.Столярова, П.Ниёзов, И.Бахшицян, О.Н.Лушпенко ва бошқалар олиб боришган. В.Томошек ўз вақтида антик манбаларга суяниб, Қашқадарё водийсининг шарқий қисми «Сўғд ери» Навтака эканлигини айтади. Уни бир қатор тадқиқотчилар қўллаб-қувватлайдилар. В.Е.Массон Қашқадарёнинг қуйи оқимида жойлашган Ерқурғон шаҳрини Навтаканинг пойтахти деб қўрсатади.

Хитой йилномалари «Бейшу» ва «Таншу»ларда Кеш Киши номи билан тилга олинади ва унинг ҳукмронлиги остида 500та тош девор билан уралган шаҳар борлиги ҳақида гапирилади. VII асрда Кеш қудратли бўлиб Самарқанддан ҳам устун туриши. ўтмишда Сўғднинг пойтахти булганлиги ҳақида маълумотлар учрайди. (Ш.С.Комолиддинов, 13-бет).

Кеш V асрда эфталлар ҳокимиятига, VI-VII асрларда турк ҳоконлиги таркибига кирган. Араб манбаларида исломгача

булган даврда Кеш подшолари «Недун» унвонини олишган. Лекин исломгача булган Кеш тангаларида бу унвон қайд этилмаган. V-VI асрларда чиқарилган Кеш тангаларида бир томонида ук-ёй ушлаган жангчи, иккинчи томонида ҳукмдорнинг боши ҳамда суғд тилида «турк» ёки «турак» сузлари ёзилган. Ҳукмдорнинг тасвири антропологик жиҳатдан туркларга ухшашдир. Бундай маълумотларга таянган ҳолда VI-VIII асрлардаги Кешда ҳукмронлик қилган Суғд сулоласи турклар булган деб айтиш мумкин.

Кеш ҳақида араб манбаларида бир қанча маълумотлар сақланиб қолган бўлиб, улар орасида туларок ва ишончлироғи Ибн Хавқалнинг маълумоти ҳисобланади. Унинг маълумотига кўра X асрда Кеш уч қисмдан «Кўхандиз», «Ҳисна» ва «Работ», (арк, шаҳар қалъаси ва шаҳар атрофи)га бўлинган экан. Кеш вилояти 16 қишлоқ хўжалик туманларига «русток»ларга бўлинган.

Ўрта асрлар шаҳри Нахшоб Қарши воҳасининг ғарбида, Қашқадарёнинг қуйи окимида жойлашган. У табиий иқлим жиҳатдан шарқ томондан анча фарқ қилади. Қашқадарёнинг қуйи окими асосан текисликлар ва даштдан иборат. Шунинг учун бу ерда деҳқончилик билан бир қаторда чорвачилик ҳам яхши ривожланган.

В.В.Бартольд ва Ле. Стренжлар ёзма манбаларга таяниб Насафнинг ўрта асрлар тарихий географияси ҳақида тадқиқот ишлари олиб боришган. Бу тўғрида Л.А.Зимин махсус илмий иш қилган. Ўрта асрлар Насаф тарихий географиясини ўрганиш учун М.Е.Массон ва С.Б.Луниналар тарихий-археологик изланишлар олиб боришган. Насаф ёки Нахшоб ҳудудида ўрта асрларга оид археологик тадқиқот ишларини С.К.Кабанов, Б.Д.Кочнев, Р.Х.Сулаймонов, М.Тўрабеков, М.Х.Исомиддинов, Л.Л.Букин, К.С.Собиров, Н.Ю.Нефедов, А.Анорбоев, В.А.Пирин, С.Н.Воробьева ва бошқалар олиб боришган.

Илк ўрта асрларда Нахшоб номи биринчи марта Хитой тарихий йилномаларида учрайди. Хитой йилномаси «Бейшу»да Нашебало, «Таншу» йилномасида эса Нашебо тарзида учрайди. Илк ўрта асрлар Византия манбаларида Валайм ва арман манбаларида Бахл Ароватин номлари билан эслатилади.

С.К.Кабанов бу шаҳарни Ерқўрғон ўрнида булган деб ҳисоблайди. М.Е.Массон фикрига кўра, илк ўрта асрлардаги Нахшоб йирик шаҳарлардан бири Қатаизаҳоки-Марон бўлиши мумкин. С.Б.Лунина эса илк ўрта асрларда Қашқадарёнинг қуйи

окимида бир-биридан 20 км. узоқликда бўлган 2 та шаҳар Еркурғон ва Қалаи Захоки Марон деярли бир пайтда қурилган шаҳарлар мавжуд бўлган. Еркурғон 4-асрда ўз фаолиятини тўхтатган. Қалаи Захоки Марон эса араб истилоси давригача мавжуд бўлган.

VII-VIII асрларда Нахшобда бир томонига отлик, иккинчи томонига «С» симон белги ва ҳукмдор тасвири туширилган мис тангалар зарб этилган. Сўғд ёзуви билан бирга араб ёзуви ҳам ишлатилган. Бу даврда арабларнинг таъсири бўлишига қарамай Нахшоб ўз номини ҳозирги кунгача сақлаб қолган.

Нахшоб вилояти илк ўрта асрлар даврида 2 та йирик шаҳар Касба ва Баздалар бўлганлиги ҳақида биринчи марта арман манбаларида эсга олинади.

X асрга келиб Касба пойтахт шаҳар Насафдан ҳам катта эди. Бунга унинг йирик савдо маркази, муҳим қарвон йўлида жойлашганлиги сабаб бўлди.

IX-XII асрларда шахристон қалъа билан ўраб олинган, шаҳар атрофида эса кенг работ жойлашган эди.

Археологик тадқиқотларга кўра, Қашқадарё водийсида ривожланган ўрта асрларга келиб аҳоли пунктлари қисқариб кетади. Илк ўрта асрлардаги 123 та аҳоли пунктдан ривожланган ўрта асрларда фақат 59 тасида ҳаёт давом этади. IX –XII асрларда йирик ва мустақкам шаҳарларда ҳаётнинг гавжумлашиши кузатилади (Ш.С.Комолиддинов, 61-бет).

Шундай қилиб, Жанубий Сўғд ҳисобланган Нахшоб V-XII асрларда ҳўжалиги ва маданияти юксак ривожланган ҳудуд ҳисобланган. Бу ерда кўп йиллардан бери археологик тадқиқотлар ўтказилиниб келаётган бўлса-да, қадимги ва ўрта асрларда мавжуд бўлган кўпгина шаҳар ва қалъа харобалари ҳали ўз тадқиқотларини кутиб ётмоқда.

#### Адабиётлар:

1. Ш.С.Камолиддинов. Историческая география Южного Согда и Тахаристана по арабоязычным источникам IX начала XIII вв. Ташкент, «Ўзбекистон», 1996.
2. М.Х.Исомиддинов. М.Х.Хасанов. История древнего и средневекового керамического производства Нахшаба Т 2000.
3. М.Х.Исомиддинов. Сополга битилган тарих. Т.1993.
4. С.К.Кабанов. Нахшаб на рубеже древности и средневековья (3-7 вв).

## М У Н Д А Р И Ж А

|                                                                                                       |    |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------------|----|
| Журакулов М.Ж., Холматов Н.У. Этнограф олим Очил Ибрагимов .....                                      | 3  |
| Журакулов М.Ж. Самарқанд этнографларининг билимдони .....                                             | 8  |
| Журакулова Д.М. Беназир инсон эди (эътироф) .....                                                     | 12 |
| Журакулов М.Ж. Самарқанд палеолит маконини урганишнинг янги таҳлили саҳифасидан .....                 | 14 |
| Эргашев О., Холматов А.Н. Сазагон маданияти .....                                                     | 17 |
| Холматов Н.У. Ибтидоий жамоалар турар жойлари туғрисида баъзи мулоҳазалар (Ўрта Осиё микиёсида) ..... | 19 |
| Журакулов М.Ж., Журакулова Д.М. Ўрта Осиёда дастлаб металлдан фойдаланиш тарихидан .....              | 24 |
| Аванесова Н.А. Краевед Самарқанда .....                                                               | 27 |
| Амиркулов Б. Қадимги даврда Ўрта Осиёда оила ва никоҳ ..                                              | 30 |
| Абриев Р. Зарафшон воҳаси палеолитининг асосий хусусиятлари .....                                     | 34 |
| Тошкентбоев Н.Х. - Меҳнат тақсимотининг тарихий илдизлари ҳақида.....                                 | 36 |
| Ёркулов А. Жанубий Сўғд илк ўрта асрлар даврининг урганилиш тарихидан .....                           | 40 |
| Ульянова А.Н. К историографии этногенеза узбекского народа .....                                      | 44 |
| Шарипов С., Аминов С. Самарқанд 20-х гг. XVIII века .....                                             | 47 |
| Ғаффоров Ш.С. Мустабид тузум даврида аҳолининг Туркистонга кўчириш сиёсати ва унинг оқибатлари.....   | 52 |
| Ибрагимов О.О. Чорвадор аҳолиларда турар жойларга ер танлаш билан боғлиқ урф-одатлар .....            | 59 |
| Хўжаназаров М. Сўғднинг Шаҳрисабз ва Кармана шаҳарлари ривожланишидаги ўхшашликлар .....              | 64 |
| Бердиев Р.Б. Зарафшон дарёсининг қадимги номлари тарихидан.....                                       | 68 |

23. У. 2003 йилда босишга рухсат этилди.

№ 84 буюртма 45 босма табок,  
ҳажми 60х84 1,16. Адади 100 нусха

*СамДУ Нашр-матбаа маркази босмахонасида чоп этилди.  
703004, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15.*